

# ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ №23

Бухоро шаҳри

«25» «*январ*» 2022 йил

«Нонвоён» ООО, (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи раҳбари Қараев А (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Бухоро вилоят юкумли касалликлар шифохонаси (корхона, ташкilot, муассаса номи), кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи бош врач Холов.Ў.А (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган нон(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса нон(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Нон (Маҳсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	Нон	дона	3500	1500	5250000
2	Коржик	кг	100	8500	850000
3	Печены	кг	150	15000	2250000
4	Пряник	кг	150	10500	1575000
	<b>Жами</b>				<b>9925000</b>

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: «31» «Декабр» 2022 йил

## 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 9925000 (Туккиз миллион туккиз юз йигирма беш минг ) сумни ташкил этади.

2.2. Сотиб олинган нон (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори 2977500 сумни, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг *январ* ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса 6947500 сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил "31" декабр гача амалга оширилади.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 30 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган

2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Нон (маҳсулот)ни шартнома талабларига

жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Нон (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган нонлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз нон (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.

3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ нон (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.